НАВОИЙ СИЙМОСИ АКС ЭТГАН ЁДГОРЛИК — 2-бет

ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар

ҲАФТАНГИЗ ХАЙРЛИ КЕЛСИН — 6-бет

ҲИКМАТЛАР ХАЗИНАСИ — 8-бет

Стратегик ва минтақа... КУТУБХ... институти

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 212 (10.015) / 2003 ЙИЛ 31 ОКТЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

**Мустақиллик шарофати билан юртимизда ишбилармон ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилди. Бугунги кунда уларнинг изланишлари, меҳнатлари сезиларли самара бериб, ички бозоримиз ўзимизда тайёрланган сифатли, чидамли, рақобатбардош, асосийси нисбатан арзон маҳсулотлар билан таъминланмоқда.**

### ҚИСҚА сатрларда

● **БУГУНДАН** Тошкент темир йўллар институти қошидаги академик лицей ўқувчилари учун семинар-тренинг бошланди. Ушбу тадбир Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамда АКСЕЛС ташкилоти ҳамкорлигида уюштирилди.

● **БУГУН** Республика Байналмилал маданият марказида ўтаётган «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида миллий-маданий марказлар Республика фестивалининг Тошкент шаҳар босқичида Сергели ва Юнусобод туманларидаги қрим татар, бошқирд, татар миллий-маданий марказлари вакиллари қатнашдилар.

● **ФАН** ва технологиялар марказида уюштирилган кўргазмали анжуман «Таълим, фан, ишлаб чиқариш интеграцияси—илмий тадқиқотлар фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим омили» деб номланди.

● **ХАЛҚАРО** Қизил хоч қўмитасининг ҳудудий ваколатхонаси ташаббуси билан пойтахтимизда ташкил этилган ўқув машғулотлари халқаро гуманитар ҳуқуқ борасидаги билимларни такомиллаштириш масалаларига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

● ТАДБИРКОРЛИК



## ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ

Пойтахтимизда самарали фаолият юритаётган «MIRSAZAVA» хусусий фирмасининг аҳил жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиё давлатларида ҳам яхши таниш ва ўзининг кўплаб харидорларига эга.

Фаолиятини 1996 йилда бошлаган мазкур фирма шу қисқа давр мобайнида маълуму машҳур бўлганлиги бежиз эмас, албатта. Ҳозирги кунда корхона жамоаси томонидан 60 хил турдаги рақобатбардош стабилизатор, товуш кучайтиргич мосламалари — радио электрон ускуналаридан бир ойда 10 миллион сўмлик ишлаб чиқарилмоқда.

— Келгусида ишчиларимиз сонини 3-4 бараварга ошириб, маҳсулот турларини кўпайтиришни режалаштирганмиз, — дейди фирма раҳбари Баҳодир Мирҳабибов. — Жумладан, янги телевизор ишлаб чиқариш устида изланяпмиз.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: «MIRSAZAVA» фирмасининг тажрибали, моҳир ишчи-хизматчиларидан бири иш устида.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

## ШАНБАЛИККА ТАЙЁРГАРЛИК

**“Экосан” халқаро жамғармаси ташаббуси билан 1 ноябрь куни “Оролбўйи оналари ва болаларига” шиори остида республика экологик шанбалиги ўтказилади.**

“Экосан” халқаро жамғармаси ташаббуси ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши билан ҳар йили уч босқичда мамлакатимизда экология ва саломатлик кунлари ўтказиб келинмоқда.

— Экология ва саломатлик кунларини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – мамлакатда барқарор экологик муҳит яратиш, санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиш, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштиришдир,— деди жамғарма раиси Юсуф Шодиметов “Туркистон-пресс” мухбирига. — Экология ва саломатлик кунларида барча вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, ўқув муассасалари, маҳалла аҳли, кенг жамоатчилик иштирок этиб келмоқда. Айни вақтда экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи ўтказилмоқда. Қишки мавсумга ўтиш муносабати билан қурилиш ташкилотлари кўп қаватли биноларнинг томлари ва ички қисмларидаги иситиш мосламаларини, тоза ичимлик суви қувурларини таъмирламоқда.

Экология ва саломатлик кунлари доирасида “Энг обод маҳалла” республика кўрик танлови эълон қилинган эди. Бунда асосан сувни тежаш, газ ва электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш, хонадонларда чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтириш чора-тадбирлари, маҳалланинг намунавий санитар ҳолатига аҳамият берилмоқда. Танловнинг биринчи ва иккинчи босқичи ғолиблари аниқланиб, ҳозирги вақтда учинчи босқичи ўтказилмоқда.

Ю. Шодиметовнинг таъкидлашича, шу кунларда ўтказилаётган муҳим ижтимоий-экологик тадбирлардан бири экологик ноқулай минтақаларда яшовчи аҳоли ва ижтимоий объектларга гуманитар ва тиббий ёрдам кўрсатишдир. Экологик инқироз оқибатида юзага келган мазкур муаммоларни ҳал қилиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини кўтариш борасида кенг миқёсда ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб қилади.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллиги ва Конституция кунига бағишланган Экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи доирасида ўтказилаётган Республика экологик шанбалиги “Оролбўйи оналари ва болаларига” деб номланади. Шанбаликдан тушган маблағ Оролбўйидаги аёллар ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, минтақадаги гуманитар лойиҳаларни амалга оширишга сарфланади. Ноябрнинг иккинчи ўн кунлигида Оролбўйи минтақасига навбатдаги “Экосан” саломатлик поезди юборилади.

Бўлиб ўтадиган шанбаликда 8 миллион киши иштирок этиши кутилмоқда. Шанбалик куни аҳолининг кўпчилиги пахта далаларида меҳнат қиладилар.

Шунингдек шанбаликда корхона ва ташкилотларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалиги ходимлари, маҳалла ва кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар, талабалар иштирок этиб, ободонлаштириш, қишга тайёргарлик кўриш, таъмирлаш-тиклаш ишлари, профилактик тадбирлар, жамоатчилик жойлари ва бошқа ҳудудларни чиқиндилардан тозалаш каби ишларни бажаришади. Шундай шанбаликлардан бири пойтахтнинг Ботаника боғида бўлиб ўтади. Анъанага кўра мазкур шанбаликда ёзувчи ва шоирлар, давлат арбоблари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, таниқли санъаткорлар, эколог-олимлар иштирок этадилар.

**“Туркистон-пресс”**

### Спорт

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ФУТБОЛЧИЛАР ФИНАЛДА

Ҳиндистонда давом этаётган Афро-Осиё ўйинларининг футбол мусобақалари ўзбекистонлик футбол ишқибозлари кўнглини шод этмоқда. Чунки ушбу нуфузли турнирда иштирок этаётган Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчиларига ярим финал баҳсларида яна омад кулиб боқди. Руанда терма жамоаси билан ўзаро куч синашган ҳамюртларимиз кескин, муросасиз баҳс якунида рақибларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Энди Виктор Борисов шогирдлари финалда ҳиндистонлик тенгдошларига қарши майдонга тушишади.

**(Ўз мухбиримиз)**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси ташаббуси билан «Ташқи савдони амалга оширишда миллий ишлаб чиқарувчиларни муҳофаза қилиш ва ғирром рақобатга қарши кураш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро амалиёт» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

● **Тошкентда Германия ҳамкорлик ташкилоти ва Кредитанштальт фюр Видерауфбау банки ҳамкорлигида «Ахборот ва коммуникация технологиялари йўналишидаги касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмак» лойиҳасининг ижро этилишига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.**

● **Фавқулодда вазиятлар вазирлигида АҚШ Мудофаа вазирлиги қошидаги Хавфни камайтириш агентлигининг Тошкент филиали томонидан кўрсатилган қарийб 58179,5 АҚШ долларига тенг миқдордаги беғараз ёрдамни топшириш маросими бўлиб ўтди.**

● **Урганчда Хоразм вилоятида иқтисодий ва ижтимоий соҳа тармоқларини 2003-2004 йилги куз-қиш мавсумига тайёрлашнинг боришига бағишланган вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Самарқанд тиббиёт институти Нарпай туманининг «Ўзбекистон» ширкат хўжалигидаги 3 та мактабга компьютерлар тақдим этди.**

### Жаҳонда

● **АҚШ Президенти Жорж Бушнинг сиёсий ёрдамчилари келаси йилда бўладиган президентлик сайловларига жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Ёрдамчиларнинг фикрича, президентлик сайловларида Жорж Бушга Вермонт штатининг собиқ губернатори Говард Дин рақиблик қилиши мумкин.**

● **2 ноябрь куни Грузияда парламент сайловлари бўлиб ўтади. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, мазкур жараён Президент Эдуард Шеварднадзе давридаги демократик тамойилларга асосланган илк сайлов бўлиши мумкин. Расмий Вашингтоннинг таъкидлашича, парламентга сайловлар Грузиянинг жаҳон ҳамжамиятига қўшила олишини исботлайдиган имкониятдир.**

● **Ростов областидаги «Ғарбий» конида 120 соат давомида 700 метр ер остида қолиб кетган 13 нафар despite кончининг ўн иккитаси қутқариб олинди.**

● **Ироқда тинчликпарвар кучларга қарши олиб борилаётган яширин ҳаракат кучаймоқда.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Солиқлар ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш деганда нима тушунилади?**

**А.Маматқулов, ҳайдовчи.**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган солиқлар ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш деганда, фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан кўп бўлмаган, давлат томонидан белгиланган солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан ўзгача бўйин товлаш тушунилади.

* * *

**Кимлар меҳнат низосини кўришни сўраб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга?**

**Г.Холиқова, шифокор.**

Қуйидагилар меҳнат низосини кўриш ҳақидаги ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар:

а) ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи;

б) меҳнатнинг ҳуқуқ бўйича инспектори;

в) иш берувчи, меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек, унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича;

г) прокурор.

* * *

**Автомототранспорт воситалари олди-сотди шартномасининг ўзига хос жиҳатлари борми?**

**Ф.Рўзиев, талаба.**

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автомототранспорт воситаларининг олди-сотди шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. (Фуқаролик кодексининг 386-моддаси). Бундай воситаларни айирбошлаш, ҳадя қилиш, ижарага бериш шартномаларида ҳам шунга амал қилинади.

* * *

**Ўта семизлик ҳам касалликдир. Лекин турли-туман оздирувчи воситалар киши организмига, саломатлигига салбий таъсир этиши ҳақида маълумотлар бор. Ўзимизнинг туркона, халқ табобатида фойдаланиладиган усуллар ҳам бор. Шулардан бири ҳақида маълумот берсангиз.**

**Б.Мирҳабибова, уй бекаси.**

Сизга олма мевасидан тайёрланган шарбатни тавсия қилмоқчимиз. Уни қуйидагича тайёрлаш мумкин. Эрталаб наҳорда оч қоринга 1 стакан қайноқ сувга 2 чой қошиқ олма сиркаси, 1 чой қошиқ асал қўшиб ичинг. Сирка озиқ моддаларига бой, асалда эса минераллар ва дармондорилар мавжуд. Аммо шуни унутмангки, сирка албатта олмадан тайёрланган бўлиши керак.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.**

# ТОКИОДА НАВОИЙГА ҲАЙКАЛ

**Ўзбек шеърияти даҳоси Алишер Навоийнинг сиймоси ҳайкалтарошлик асарларида тўлақонли акс эттирилмоқда. Бундай ижодий жараёнда таниқли ҳайкалтарош Равшан Миртожиевнинг ҳиссаси катта бўляпти.**

Санъаткор устахонасида улуғ шоирга бағишланган кўплаб ҳайкал нусхаларини кўриш мумкин. Шулардан бири асосида ясалган ҳайкал ўз салобати ва композицион талқини билан ажралиб туради. Бу монументал асар ҳайкалтарошга катта шуҳрат келтирди. У ҳозир Россия федерацияси пойтахти Москванинг Добринин майдонини безаб турибди.

Ўзбекистон Бадиий академиясидан маълум қилишларича, эндиликда Японияда ҳам Навоий сиймоси акс этган ёдгорлик ўрнатиладиган бўлди. Уни яратиш Р.Миртожиевга ишониб топширилди. Шу кунларда бу ижодий жараён охирлаб қолди.

Яшил хиёбон оша узоқ-узоқларга нигоҳ ташлаган, қўлида китоб тутган улуғ шоир ҳайкалида ҳам санъаткорнинг бадиий изланишлари самараси яққол кўзга ташланади.

Янги ёдгорлик Токио маданият ва санъат университети саъй-ҳаракати билан шу ўқув даргоҳи ҳудудида қад кўтаради. Бу ўзбек ва япон халқлари ҳамкорлигининг рамзи бўлиб қолади.

**"Туркистон-пресс"**

**Эл-юртига, Ватанига хизмат қилмоқ ва бу йўлда ғайрат, шижоат кўрсатмоқлик энг олий фазилатдир.**

# ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ОТЛАНИШДИ

Куни кеча Акмал Икромов туман ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими биргаликда 27 нафар мард ўғлонни карнай-сурнай садолари остида Қуролли Кучларимиз сафларига хизматга кузатишди. «Тошкент» вокзалидан ўзининг Ватан олдидаги бурчини ўташ учун жўнаган йигитларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими томонидан кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган 17 турдаги маҳсулотларнинг совға сифатида топширилганлиги ота-оналару ўғлонлар кўнглини хушнуд этди.

**Соҳиба УМАРОВА**

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ЎЙЛАМАСДАН СЎЙЛАМА

Бозор айланиб юриб икки сотувчи аёлнинг жой талашиб бир-бирини ҳақоратлаётганининг устидан чиқиб қолдим. Қадди-басти келишган бу аёлларнинг оғзидан чиқаётган сўзларига инсон зоти чидаб туролмасди. Юзингга кўзинг борми демай бир-бирини ўйнашдан олиб ўйнашга солаётган бу аёлларнинг эрлари шу ерда бўлиб қолса борми, бу гапларни эшитиб не хаёлларга боришарди.

Шу воқеа сабаб бундан 3-4 йил аввал рўй берган бир фожиани эсладим. Айнан унинг содир бўлишига ҳам ўйламай айтилган тутуруқсиз бир гап сабаб бўлганди...

Бу даҳшатли қотиллик маҳалла аҳлини ларзага солди.

Суд экспертиза кўригидан сўнг расм-русумлар билан Ҳакимахоннинг жасади ерга қўйилгач, кечга бориб ивир-шивир гап тарқалди.

— Ҳакимахоннинг ўлимига бир шифокорнинг нотўғри қўйган ташхиси сабабчи бўлган экан.

Шамоллаш туфайли касалликка чалинган эр-хотин шифокорга мурожаат қилишибди. У касаллик сабабини тўла аниқламай туриб, ўзича шундай хулоса чиқарибди.

— Бу бироз сирли касаллик. Очиғини айтсам, у бегоналар билан алоқа қилиш оқибатида бир-бирингизга юққан.

Бу кутилмаган гапдан эр-хотиннинг ранги докадек оқарди, бўзарди.

— Бу қандай гап, айт беномус?

— Вой, нима деяпсиз, отаси. Олдин сўраб-суриштиринг.

Дўхтир уларни тинчлантириб, муросаю мадорага чақирди.

— Ҳозир жанжаллашадиган вақт эмас. Ундан кўра зудлик билан даволанишга киришинглар. Агар хоҳиш бўлса муолажани ҳозирдан бошлаймиз.

Умр бўйи сиз оғзи санга бормаган эр-хотин ўша куни қирпичоқ бўлди. Эр хотинини ўйнашликда айблар, хотин эрдан гумонсирарди.

Носиржон бу номусга чидаёлмади. Костюмини елкасига ташлаб чиқиб кетди. Бир-бирига меҳрибон ота-онанинг ўртасидан қандай мушук ўтганини тушунолмай фарзандлар ҳайрон. Шу кетганча Носиржон бир ҳафта уйга қайтмади. Турли жойларда ётиб юрди. Бу орада шубҳа-гумон билан ўзини яна бир бор ўзга шифокорга текширтирди.

— Шамоллаш асорати, — деди у қатъий ташхис қўйиб. Ҳакимахон ҳам тинч ўтирмади. Гинеколог шифокорга учради. Унга ҳам бу касаллик ўткинчи, озроқ шамоллаш асорати эканлиги, агар керакли муолажалар бўлса тезда тузалиб кетишини айтишди.

Ўша куни Носиржон бир алфозда уйга қайтди. У қаттиқ маст эди. Ҳакимахон эрининг аҳволини кўриб қўрқиб кетди. Гарчи иккинчи шифокорнинг кўригидан кейин кўнгли бироз таскин топган бўлса-да, ўша ёмон гапни бот-бот эслаб ғалати бўлиб кетарди.

Ярим тунда у сувсираб ўрнидан турди. Совуқ сув жўмрагини бураб ундан тўйгунча ичди. Гандираклаб келиб ўрнига чўзилди. Ёнида хотини беозор пишиллаганича ётарди. Шу дамда лоп этиб яна ўша гап эсига тушди. У анча вақтгача зўрбазўр ўзини тутиб ётди. Кейин шиддат билан ўрнидан турди.

Ҳакимахон чўчиб уйғонди. Деразадан тушиб турган ой нурида эрининг қўлида пичоқ кўриб бақириб юборди.

Шундай қилиб, чала савод бир шифокорнинг ўйламай айтган гапи бир оилани хонавайрон қилди. Ҳа, азизлар, донишмандлар «Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир» деган сўзларни бежиз айтишмаган экан-да.

## УСТИ ЯЛТИРОҚ, ИЧИ ҚАЛТИРОҚ

Самарқанддан келган меҳмонлар уйларига «Самарқанд» автостанцияси орқали автобусда қайтишларини айтишди. Уларнинг истагини бажо келтирдик. Шоҳбекат томонга ўтсак Самарқандга кетадиган автобуслар катта йўлнинг нариги томонида жойлашган метронинг Собир Раҳимов бекати яқинидан кетишини айтишди. Ўша томонга олиб ўтадиган ер ости йўлига тушдик. Зиналардан пастлаб бора эканмиз, кўз олдимизда тўплам-тўплам ахлат уюмлари пайдо бўла бошлади.

—Бу жойга яқин ўртада фаррошнинг қадами етмаган шекилли, — деди меҳмонлардан бири сўз орасида.

— Юқоридаги йўлнинг озодалигини қарангу, ер остининг ифлослигини кўринг. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ деб шунга айтсалар керакда, — деди унга жавобан иккинчи меҳмон.

Бу сўзлардан хижолат тортдик. Олға томон одимлаганимиз сари хижолатимиз орта борди. Оёқ ости чанг-тўзон, қоғоз парчалари, писта пўчоқлари, қўйингки (нималар йўқ дейсиз бу ерда) турли-туман чиқиндиларга тўлиб кетган. Икки томонда эса ахлатлар «хирмони». Бора туриб йўловчилар учун қулай бўлсин деб бунёд этилган бу ер ости йўлининг эгаси, масъули, фарроши борми ўзи, деган хаёлга толасиз. Унинг кириш-чиқиш зиналарининг нураб кетганлиги, ер ости йўлининг ўзи аллақачонлар таъмирга муҳтож бўлиб қолганлиги ҳам унинг ойлар давомида қаровсиз қолганлигидан дарак бериб турибди. Ахир «Самарқанд» автостанциясига бир кунда қанчадан-қанча меҳмонлар келиб-кетишади, хатто улар орасида хорижликларни ҳам кўриш мумкин. Улар шу ер ости йўлидан юриб қолишса нималар деб ўйлашаркин?

## ҲАЗИЛ БЕҒУБОР БЎЛСИН

Балки ўша мудҳиш воқеа содир бўлмаганида бу ҳақда сўз очиб ўтирмасдик. Яқин биродаримизнинг ўттиз беш баҳорни кўрган ёлғиз ўғлининг вафоти бу кўнгилсиз фожиага бир ноқобил ҳазилкашнинг бетайин ҳазили сабаб бўлганлиги дилимизни ўртади.

Улар тасодифан аэропортда учрашиб қолишди. Ўша куни Аҳмаджон ўн кунлик хизмат сафаридан оиласи бағрига қайтарди. Узоқ айрилиқдан сўнг кўришган курсдошлар бир-бирларини қучоқлай кетишди.

— Аҳмаджонмисан? Бормисан?

— Сени кўраман деб ўйламагандим Сотволди.

Улар суҳбатлашиш учун ҳолироқ ошхона танлашди.

Ширакайф дўстлар яқин курсдошларидан баъзиларини эслашди.

Каримни ҳеч кўрасанми? — сўради Аҳмаджон.

— Ия, ҳали эшитмадингми. У оламдан ўтдику. Ўтган ҳафта кўмиб келдик. Ҳаяжонланма ўтир. Майли сени йигирмасига олиб бораман, — дея кулди Сотволди.

— Нега куласан? — аччиғланди Аҳмаджон.

— Ҳали ҳам ўша лақмалигинг қолмабдида, ташвиш тортма ҳазиллашдим.

Аҳмаджон қотиб қолди. Бу қанақа ҳазил? Тирик одамни ўлдига чиқариш нахот ҳазил бўлса?

— Уни-буни қўй. Севарани биласан-а, ҳалиги чикка бел курсдошимиз борку.

Аҳмаджон нима дейишини билмай қолди. Унинг Севара билан турмуш қурганини Сотволди билмасди. Узоқ вилоятда тургани учун уни тўйга таклиф этишнинг иложи бўлмаганди.

— Сенга гапиряпман?

— Эшитяпман.

Ўша Севарани машина босиб кетибди. Касалхонанинг реанимация бўлимида ётибди экан. Сўраб-суриштириб олдига бордим. Шифокорлар умидсизлик билдиришяпти.

Аҳмаджоннинг тепа сочи тикка бўлиб кетди. Наҳот хотини фожиага учраган бўлса-ю унга хабар қилишмаган бўлса. Бу қандай кўргилик?

Сотволди унинг аҳволини кўриб жилмайди.

— Ўтир, ҳазиллашдим жинни.

Аҳмаджоннинг Сотволдига кўтарган мушти ҳавода муаллақ қолди. У иккинчи қўли билан юрагини чангаллаб ерга йиқилди. «Тез ёрдам» орқали шифохонага етказилган Аҳмаджонга шифокорларнинг зудлик билан берган ёрдами кор қилмади. У тўсатдан бошланган юрак хуружи билан оламдан ўтганди.

Ҳазилнинг ҳам йўли, ўз ўрни бор биродарлар. У ҳар қандай асаббузарликлардан ҳоли, беғубор бўлсинки, бундан икки томон жабрланиб ранжимасин, балки завқланиб кулсин.

*Билиб қўйган яхши*

## РАЙҲОНЛИ ЧОЙ

Атри уфори билан кишига яхши кайфият бағишлайдиган кўкатларга ошрайҳон, ҳожирайҳон ва садарайҳонларни киритишимиз мумкин. Райҳон кўкатини бизлар нафақат қуюқ ва суюқ таомларнинг лаззатли бўлиши учунгина фойдаланиб қолмасдан, балки уларнинг шифобахшлигидан ҳам ўринли фойдаланамиз. Бу ўринда райҳонли чой ўзининг шифобахш хислатлари билан ажралиб туради. Чой қуйидагича дамланади: мўъжазгина чойнакка (400-500 грамм) 1 чой қошиқ миқдорида кўк ёки қора чой, таъбга қараб 10 донагача райҳон барги ташланиб, унинг устидан қайноқ сув қуйилади, бироз фурсат енгил аланга устида ёки чўғ қурида дам едирилади.

Айни қиш палласида ҳам райҳонли чой тайёрланиши мумкин. Бунда тадбиркорлик билан қуритиб олган райҳон баргларини кукунидан фойдаланилади. Бунда, одатда 1 чой қошиқ қора ёки кўк чой ва ярим чой қошиқ райҳон кукуни олиниб, чой дамланади.

Райҳонли чой иштаҳани очиб, овқатнинг ҳазм бўлишини яхшилайди, райҳон таркибидаги эфир мойлари сурункали меъда яллиғланишига раддиялик қилади, пешоб йўли касалликларига шифоли таъсир этади, изтироби йўталга малҳамлик қилиб, қизамиқ асорати бўлганларга эмлик қилади. Райҳонли чой буйрак, қовуқ, пешоб йўллари шамоллашига, шунингдек тумов, муртак безларининг яллиғланиши (ангина), безгак азиятида енгиллик беради. Баъзи маълумотларга қараганда, райҳонли дамлама гўш, темиратки ва яраларнинг тузалишига мойиллик яратади.

## СЕДАНАЛИ ЧОЙ

Одатда офтобсифат, ширмой, одми нонлар ёпишда седана уруғларидан фойдаланилади. Седана нафақат нонларнинг кўҳликлигини, жозибалилигини ва хуш бўлишини орттирибгина қолмасдан, балки, уларнинг хийла узоқ сақланишига ёрдам беради.

Седанали чой тайёрлаш учун қуйидагича амалдан фойдаланиш керак: ярим литрлик чойнакка 1 чой қошигида кўк ёки қора чой, 20-30 дона седана уруғи ташланиб, устидан «патиллаб» турган қайноқ сув қуйилади-да, бироз фурсат енгил аланга устида дам едирилади. Сўнгра седанали чой бирорта ширинлик билан қўшиб ичилади.

Седанали чой иштаҳага барака беради, овқатнинг аъзоларга сингишини яхшилайди, оғиздаги нохуш исларни кетказади, пешоб ҳайдаш хусусиятига эга. Седанали дамлама кўкрак сутининг мўл бўлишига ёрдам беради, заҳарли унсурларни организмдан чиқиб кетишига мойиллик яратади. Сувчечак, сариқ касалликларида эмлик қилади, томоқнинг шамоллашида ижобий таъсир кўрсатади. Седанали чой коринни қадалиб оғриши, елдан озод бўлишда ёрдам беради, қаттиқ шамоллаш, тумов, грипп касалликларида енгиллик бериб, ёпишқоқ балғамнинг кўчишини осонлаштиради. Седанали чой тоза асал билан истеъмол этиладиган бўлса, қовуқ ва буйракда мавжуд бўлувчи қумларни ҳайдайди, тошларнинг эса нурашига воситачилик қилади.

## ЭКСПЕРТ ЎРНИДА — КОМПЬЮТЕР

**Эндиликда Ўзбекистонда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясига тасдиқлаш учун юборилган ҳамма диссертация ишлари илмий янгилиги ва ўзига хослиги бўйича электрон экспертизадан ўтказилади. Буни ОАК мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган автоматлаштирилган тизим таъминлайди.**

Ҳали МДҲ мамлакатларида ўхшаши йўқ бу ихтирога Давлат патент идораси томонидан муаллифлик гувоҳномаси берилган. Тизимнинг жорий этилиши номзодлик ва докторлик сифатини анча оширади, меҳнат қилмасдан илмий даража олишни истовчилар йўлида мустаҳкам тўсиқ бўлади.

Янгиликнинг асосини компьютер дастури ташкил этади. Унинг ёрдамида ОАКга келиб тушган диссертацияларни компьютер илгари ҳимоя қилинган ишлар билан таққослайди. Нафақат номлар ва аннотациялар, балки тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, чиқарилган илмий хулосалар ҳам қиёсланади. Бироқ илмий янгилик — бош мезон ҳисобланиб, ҳар бир ҳақиқий олим айнан шунга интилади. Тасдиқлаш учун эса ОАКда сўнгги 12 йил ичидаги барча диссертация ишларининг электрон базаси яратилди. Бу ўзига хос кутубхона мамлакатимиз фанининг турли йўналишлардаги ютуқларини кенг кўламда намойиш этади.

Таъкидлаш жоизки, компьютер бош ҳакам вазифасини бажармайди, фақат фикрлаш учун ахборот беради. Бахсли иш юзасидан охирги қарорни Олий аттестация комиссияси томонидан тайинланган эксперт — у ёки бу соҳадаги энг яхши мутахассис чиқаради. У ижобий баҳо берган тақдирдагина диссертация тасдиқлаш учун тавсия этилади.

— Асосий мақсадимиз республикамизда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар сифатини ошириш, уларнинг натижаларини қўллашнинг ҳақиқий аҳамияти ва имкониятини баҳолашдир, — деди Олий аттестация комиссияси раиси Муҳсин Муҳиддинов. — Президент Ислом Каримов мамлакатимиз тараққиёти учун бу вазифанинг муҳимлигига кўп эътиборни қаратган. Шу жумладан, бунинг учун илмий кадрларни аттестациядан ўтказиш ва тадқиқотларни холис баҳолаш учун янги механизм шакллантирилмоқда. Масалан, мутахассисларимиз томонидан яратилган диссертацияни тақризга юборишнинг махфийлигини таъминлаш компьютер тизимида ҳозирдаёқ қўлланмоқда. У инсон иштирокисиз мустақил равишда номзод ишини баҳолаш учун энг тажрибали ва билимли мутахассисни танлайди. Электрон экспертизанинг жорий этилиши диссертациялар сифатини ошириш йўлида яна бир қадам бўлади. Шундай қилиб, илмий изланишларни, мамлакат илмий салоҳияти ривожланишини рағбатлантирувчи янги механизм яратилади.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## АКТЁРЛАР ЯРАТГАН ҚЎЛЛАНМАЛАР

**Ўзбек давлат Миллий театрининг етакчи актёри, Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизовнинг "Менинг режиссёрлик ишларим" китоби босилиб чиқди. Ушбу нашр саҳна устасининг кўп йиллик фаолияти маҳсули бўлди.**

Т. Азизов Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида кафедра мудири сифатида ёшларга режиссёрлик маҳоратидан ҳам сабоқ бериб келмоқда. Китобнинг юзага келишида ҳам мазкур жараён муҳим ўрин тутди. У яхши қўлланмага айланди.

Олий ўқув юрти ўз босмахонасига эга бўлгач, талабалар учун қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди. Институт ўқитувчиларидан Маҳкам Исроиловнинг "Монолог устида ишлаш", Марям Ашурованинг "Қўғирчоқ театри санъати" сингари китоблари ҳам ўқув адабиёти бўлиб хизмат қилади.

## МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**3—9 ноябрь**

**Қўй (21 март-20 апрель)** — Гарчанд ақл ва фаросатингизга ишонсангиз ҳам бирор муаммони ёлғиз ўзингиз ҳал қилишга шошилманг. Яқинларингиз ва дўстларингиз маслаҳатига таянинг. Ўзингиздан катталар билан баҳслашманг.

**Бузоқ (21 апрель-20 май)** — Ушбу ҳафта сиз учун кўнгилсиз бошланади. Ишга жиддий ёндошмаслигингиз туфайли ҳамкасбларингиз билан келишмовчилик юзага келиши мумкин. Муносабатларингизни мулойимлик билан ўнглашга ҳаракат қилинг.

**Эгизаклар (21 май-21 июнь)**—Узоқ давом этган мулоқотлар сиз учун фойдали кечади.Душанба куни яхши хушхабарлар эшитасиз, пайшанба ва шанба кунлари атрофингизда хушомадгўйлар кўпаяди. Ҳар кимни дўстим деб ишонаверманг.

**Қисқичбақа (22 июнь-22 июль)** — Ушбу ҳафта соғлиғингизга эътибор беринг. Оиладаги майда гапларга кўп эътибор қилманг. Асабийлашишингиз ўринсиз. Фарзандларингизни тушунишга ҳаракат қилинг.

**Арслон (23 июль-23 август)** — Ҳамкорларингиз билан келишмовчиликлар, молиявий келишувлар бу ҳафтадаги асосий муаммодир. Пайшанба куни ёлғонларга учманг, эҳтиёт бўлинг. Фақат ўзингизга ишонинг.

**Паризод (24 август-23 сентябрь)** — Бу ҳафтада эшитган хабар ва янгиликлар сизга ёқмайди. Лекин тўғри қарор қабул қиласиз. Вазиятни ўзгартирмай, фурсатдан фойдаланинг. Сиз кутган дақиқалар келиши тайин.

**Тарозу (24 сентябрь-23 октябрь)** — Жиддий қарорлар қабул қилиш,раҳбарлар билан мулоқот сиз учун кўнгилсиз кечади. Лекин ижодий ишларингиз бирмунча самарали бўлади. Ҳамкорларингиз билан ишларингиз юришиб кетади.

**Чаён (24 октябрь-22 ноябрь)** — Сизнинг кайфиятингиз ва суслигингиз дўстларингиз билан муносабатингизни ўзгартириши мумкин. Муносабатларингизни ўз мулоҳаза ва таклифларингиз билан тиклашга уриннинг. Кўпчиликнинг маслаҳатига қулоқ тутиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

**Ўқотар (23 ноябрь-21 декабрь)** — Ушбу ҳафта фаол ҳаракатингиз, меҳнатларингиз ўз самарасини кўрсатади. Иш жойингизда яхши хабарлар эшитасиз, моддий рағбатдан айниқса қувонасиз. Баъзи майда гапларга парво қилманг. Ишларингиз жойида бўлади.

**Тоғ эчкиси (22 декабрь-20 январь)** — Ҳафта бошидан турли хизмат сафарларини кейинга сурганингиз маъқул. Оилангиздаги баъзи муаммоларга эътибор беришингиз ва уларни ҳал қилиш сизнинг зиммангизда.

**Қовға (21 январь-19 февраль)** — Кераргидан ортиқ ташвиш ва ўйлар,фарзандларингиз ҳақида қайғуриш сизни толиқтириб қўяди. Соғлиғингизга аҳамият бермасангиз, жиддий тус олиши мумкин. Молиявий масалалар сизни ҳаяжонга солмасин, барчаси ўз ечимини топади.

**Балиқ (20 февраль-20 март)** — Ушбу ҳафтада жуда ҳам керакли шартномаларни ҳал қилиб сафарга отланасиз. Ўз билим ва маҳоратингизга таяниб иш кўринг. Турли вазиятларда дўстларингиз сизни ноқулай аҳволга солиб қўйишлари мумкин. Эҳтиёт бўлинг.

*Тадбирлар*

## МУНОЗАРАЛАРГА БОЙ ЎТДИ

**Куни кеча «Бунёдкор» Ёшлар телеклубида «Икки палатали парламент — давр талаби» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Ушбу тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман бўлими ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан ташкиллаштирилди. Давра суҳбатида тумандаги мактаблардан таклиф қилинган 70 га яқин ўқувчи ёшлар иштирок этишди. Ўқувчиларни қизиқтирган саволларга Тошкент Давлат юридик институтидан таклиф этилган юридик фанлари номзоди Азиз Чўлиев, аспирант Шавкат Асадов, «Учинчи ҳуқуқ» факультети «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти етакчиси Аброр Анорбоевлар жавоб беришди. Давра суҳбати мунозара ва баҳсларга бой бўлди.

**Соҳиба УМАРОВА**

*Кўргазмалар*

## ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАНИ КЎРАМИЗ

**Куни кеча «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ташкил этилган мусаввир Шавкат Музаффарнинг «Руҳият иқлимида» номли расмлар кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаш катта мажлислар залида очилган ушбу кўргазмага истеъдодли мусаввирнинг 40 га яқин график ва ранг тасвир асарлари намойиш этилди.**

«Борлиқни одамларнинг қиёфаси ва образи орқали тасаввур қиламан» дейди Шавкат Музаффар. Шу сабабданми, суратлар орқали рассом борлиқ ҳаёт, тириклик, инсоният маъно моҳиятини тасвирлаб беришга ҳаракат қилади. Айниқса унинг «Дорбоз», «Ҳаёт уммонида», «Умр оти», «Саодат калити», «Томоша», «Толеъ қуши», «Муножот», «Ривоят», «Нажотга чорлов» каби асарларида чуқур фалсафий мушоҳадалар мавжуд. Бундан ташқари графика усулида яратилган бир қанча портрет асарлар ҳам кўргазмадан кенг ўрин олган. Кўргазма 8 ноябргача давом этади.

**Нигора ТЎХТАМАТОВА**

## ДАСТУРДА ҚАТНАШИШ ИСТАГИ

**АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси DV-2005 йиллик бепул лотореялар тўғрисида ахборотни тақдим этди. Ҳар йили ушбу лоторея билан АҚШга кетишни истовчи 55 мингга яқин киши иммиграция визаларини олишлари мумкин.**

АҚШ давлат департаменти иммиграция лотореялари дастурида иштирок этишнинг тартибига ўзгаришлар киритди. 2003 йилдан бошлаб DV лотореялари дастури бўйича АҚШ иммиграция визалари олишни истовчи барча шахслар махсус саҳифа орқали интернетда рўйхатдан ўтишлари керак бўлади. Департамент эндиликда почта орқали жўнатилган иммиграция визалари лотореяси буюртмаларини қабул қилмайди.

Давлат департаменти иммиграция визалари лотореяси бўйича буюртмаларни ишлаб чиқиш жараёнларини яхшилаш, рўйхатдан ўтиш жараёнларида қаллобликни камайтириш мақсадида янги электрон тизимни жорий этмоқда. Шу йўл билан Америка Қўшма Штатлари хавфсизлиги манфаатларига таҳдид солувчи шахсларнинг бундай жараёнлардан фойдаланиб қолиш имкониятлари камаяди.

Лотореяда иштирок этувчи шахс мамлакатнинг (Мамлакатлар Ички хавфсизлик департаменти фуқаролик ва иммиграция хизматлари бюроси томонидан белгиланади) лари ўйинида иштирок этиш учун давлат департаментига мурожаат қилади. Тасодифий танлов ёки давлат департаменти томонидан маълум қилинган кишиларгина иммиграция визалари олиш учун мурожаат қилишлари мумкин.

Ҳар йили жаҳондаги олти миллионга яқин инсонлар ушбу дастурда қатнашишга истак билдиради. Бу йил DV лотореяда Канада, Хитой, Колумбия, Доминикан республикаси, Салвадор, Гаити, Ҳиндистон, Ямайка, Мексика, Покистон, Филиппин, Россия, Жанубий Корея, Буюк Британия, шунингдек Вьетнам мамлакатлари иштирок этмайди. Гонконг, Макао ҳамда Тайпейнинг айрим маъмурий округлари фуқаролари эса буюртма беришлари мумкин.

DV лотореяларни рўйхатга олиш даври 1 ноябрдан 30 декабрга қадар қилиб белгиланган.

**«Туркистон-пресс»**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

● Азизим, то талаб оёқи ранжу меҳнат тиконидан мажруҳ бўлмас экан, висол қўли мақсад гулининг ёқасига етолмайди. Кишида кучли интилиш бўлмагунча муродининг офтоби машриқ уфқидан нур сочиб чиқмайди. Чунки гул териш учун тикон заҳрини чекиш лозим. Ранж чекмасдан туриб ганч эшигини очиш мумкин эмас. Демак, мақсадга етишмоқ учун тинимсиз саъй-ҳаракат қилмоқ керак.

Мавлоно Ҳусайн воиз Кошифий айтади:

— Жидду жиҳад — серҳаракатлик, ғайрат ва матонат билан ишга киришмоқликдир. Бу сифат энг гўзал сифатлардан бўлиб, ҳимматга тобедир. Баланд ҳимматли одам жидду жиҳад қилишда машаққат тортишидан қўрқмасин, чунки икки эҳтимолдан зиёда бўлмайди. Агар жидду жиҳади соясида тилаган орзуга етса, жуда яхши, агар етолмаса, оқиллар қошида узри очиқ ва равшандир, унинг улуғ мақсад талабида ҳиммати баланд эканини халқ тақдим этади.

Суқрот ҳаким айтади:

— Ҳалол меҳнат, муҳтожларга ёрдам, ғазаб вақтида ёмон сўзлардан тилни, бировни ранжитишдан қўлни тийиш, камчиликни битириб, ёмон хулқ-атворни тузатиб гўзал ахлоқ эгаси бўлиш — энг зўр фазилатдир.

● Меҳнатсеварлик кундалик ҳаётий юмушларда ҳар қандай буюк ақл эгаси қила оладиган ва шу билан бирга у қила олмайдиган кўпгина ишларга ҳам қодирдир.

● Меҳнат чинакам олийжанобликнинг ягона унвонидир.

Бир донишманд айтади: Одамни ҳеч нарса меҳнатчалик юксакликка кўтармайди. Одам меҳнатисиз ўз инсоний қадр-қимматини сақлай олмайди.

● Шундай шароитда яшаш керакки, меҳнат заруратга айлансин. Меҳнатсиз соф ва қувноқ ҳаёт бўлиши мумкин эмас.

● Инсон ким бўлишдан қатъи назар меҳнат қилиши, терга ботиб ишлаши керак, унинг яшашдан мақсади бахти ва ҳаяжонлари ҳам айни шу меҳнатда мужассамланган.

Ҳикоят: кунлардан бир куни бир мутакаббир ўргимчак ипак қуртига:

— Мен сенга жуда ачинаман. Бир озгина ипак учун шошмасдан ишлаб, кўп вақт сарф этасан. Мана менга қара тез-тез ишлаб озгина вақт ичида бу деворнинг бошидан оёғигача тўр ўраб битирдим. Менга ўхшаб шошиб-пишиб тўр ўрасанг бўлмайдими? — деди. Ипак қурти унга:

— Тўғри, ишда суръат, меҳнатда тезлик керак, лекин сен сингари апил-тапил ишлашдан фойда чиқмайди, шунинг учун тўринг ҳеч қимматга эга эмас, менинг шошмасдан меҳнат қилиб, тўқиган тўрим эса жуда қимматли тўр, — деб жавоб берди..

**Ҳисса:** шошма-шошарлик билан ишлашдан ҳеч фойда ҳосил бўлмайди. Ишнинг сонига эмас, сифатига диққат қилиш лозим. Оз ишла, соз ишла, — деб бекор айтмаганлар.

Байт:

**Шошқалоқлик ниҳолин**
**ўтказсанг,**
**Бергувси меваи**
**пушаймонлик.**

**Ҳаким НАЗИР,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

# ТАМАЪ

**(Ҳажвий ҳикоя)**

Тўланнинг вилоят театрига кириб ишлай бошлаганига беш-олти йил бўлиб қолди. Бу вақт ичида у оркестрда чилдирмачилик қилиб, ўз ҳунарини ҳийла эгаллади. У энди маҳалла-кўйларда бўладиган тўй-ҳашамларга борадиган, ҳунарини кўрсатиб, чўнтагини ақчага тўлдириб келадиган бўлди. Мўмай даромад мазасига тушунган Тўланбой икки дафъа тўйга бориб, асосий хизматига путур етказганди. Бу нарсадан хабар топган театр директори уни чақириб олиб танбеҳ берди, яна интизомни бузса жиддий чора кўришини билдирди. Одатда хизматчилар билан жилмайиб сўзлашадиган директор Тўланга қовоғини солиб гапирди. Тўлан кўп изза бўлиб, юрагига ваҳима тушди-да, бу ҳодисадан яқин ошнаси—оркестр скрипкачиси Азимни огоҳ этди. Азим уни баттар чўчитди, директор сўзида турадиган одамлигини билдириб: — Эҳтиёт бўлмасанг қаттиқ жазоланиб қоласан, — дея огоҳлантирди.

Тўлан ҳушёр тортиб, ишига барвақт келиш билан бирга, директорга яқин кўриниш ҳаракатига тушди. Идорага ҳаммадан олдин келиб, йўлакдаёқ директорни учратиб эгилганча салом берадиган, бирон ишни баҳона қилиб унинг хонасига кириб чиқадиган бўлди. Кунларнинг бирида эса директор қабулига меҳмонлар келганда уларга гулдор чойнакда чой киритиб, пиёлаларга қуйиб беришдан ҳам тортинмади. Унинг бунчалик кўл-оёғи чаққонлашиб қолганига ҳамма ҳайрон эди. Азим ҳазил оҳангида ошнасини гапга солиб:

— Читтаквой деймэн, директор сени ишга соляптиларми, ё сен ўзингча уларга элакишяпсанми? — деб қолди. («Читтак» лақаби Тўланвойга ўзи бежиримгина, чаққон, сайроқи қушдайгина бўлгани учун берилганди).

— Ия, бу нима деганинг, бўталоқ! Раҳбаримизнинг унчамунча хизматларини қилсак нима бўпти! — деди пинагини бузмай. (Азимга гупчакдай юм-юмалоқ бўлгани учун «бўталоқ» лақаби берилган бўлса ажабмас.)

— Илгари яқинларига йўламасдинг-ку, ҳозир елпатак бўлиб, сояларига салом бериб қолишингда бир гап борми деяпман-да. Ёки ўша танбеҳ берганлари учун тағин вазифамдан маҳрум бўлиб қолмасам деб чўчияпсанми, а?

— Гапни мунча резинка қилвординг, бўталоқ! — деди жиккак башарасини буриштириб Тўлан.

— Мендан ҳеч нарсани яширмасдинг-ку. Ҳозир нимани яширяпсан-а? Кошки мен кўнглингдаги гапдан бехабар бўлсам...

Тўланнинг бит кўзлари аланг-жаланг бўб кетди:

— Нима гап экан?

— Менга оркестр бошлиғи билдирди-ку: «Тўлан оғайнинг элликка киряпти экан. Ўша куннинг нишонланишини орзу қиляпти» деб. Бошлиқ ўзингга: «Эллик йиллигинг қандай ўтишини истайсан, ўйлаб кўриб бизга билдиргин» дебди-ку!?..

Тўлан энди очиғига кўчишга мажбур бўлиб, узр сўрагандай деди:

— Ўзим ҳам-чи, сенга бу гапни айтиб, маслаҳатлашмоқчи бўб юрувдим.

Азим сергакланиб кетди-да, лунжлари осилиб, бароқ қошлари керилиб, қизиқсинган ҳолда қаттиқ тикилганча:

— Қани нималарни маслаҳатлашмоқчисан, гапиравер, — деб қистовга олди.

— Энди, анави... — Тўлан чайналиб тили сўзга келмай қолди.

— Ҳа, бошқа вақт читтакдай сайрайдиган одам, нечук даминг чиқмаётибди?..

— Ҳалиги... — Тўлан хиёл дадиллашиб, дилидагини тилига чиқаролди. — Артист борку, бултур эллик йиллиги ўтказилган...

Тўлан у ёғига ўтолмай турганди. Азимнинг ўзи эслаб кетди. Ўтган йили театр артистларидан бирининг эллик йиллиги нишонланганди. Ўшанда бутун зал одамга тўлиб, ёрқин ваъзлар айтилиб, концерт берилиб, катта тантана бўлганди. Буларнинг ҳаммасига театр директори бошчилик қилганди.

— Ана ўшани эслаяпсанда?! Кўнглинг тушмагур ўшанақа тантанани тусаяпти экан-да? Директорнинг қўйнидан кириб қўнжидан чиқаётганингнинг ҳам бош сабаби шу деб қўявер, топдимми, читтаквой? «Менинг туғилган куним ҳам ўшанақа нишонланса жойида бўларди», демоқчисан-а?

Азим кўтара савдо қилсам Тўланнинг оғзи қулоғига етади деб кутганди. Ундай бўлмади. Тўлан негадир кўнгли тўлмагандай елкасини қисиб қолди. Азим бунга жуда ажабланди.

— Ҳа, Читтаквой, туғилган кунингиз ўшанақа нишонланса етмайдими? Ҳаммаси жойида бўлганди шекилли?

— Ҳаммасини айтмадинг, бўталоқ, — деди минғиллаб Тўлан. — Энг қизиғи юбилейнинг охирида бўлганди-ку.

— А, охирида бўлгани нима экан?

— Театр директорининг сўнгги эълони-чи?

— Э, ҳа, жуда зийраксан-да, Читтаквой. Директор Фармонни эслатиб ўтганди, а? Юбилярга хизмат кўрсатган артист унвони бериш тўғрисидаги Фармонни... Энди сенгаям умид қиламиз-да. Яхши ният — ярим мол, деганлари тўғри.

Тўлан кечаю-кундузларни шу умид билан ўтказиб юрганди.

Директор кунларнинг бирида хизматчиларни чақириб қолди. Ўз хонасига лойиқ йигирма кишича тўпланди. Директор вақти хушлик билан муомала қилиб, Тўланни ўз ёнига ўтказди. «Сизларга хушхабар айтаман», деб кулиб қўйди-да, бугун Тўланнинг элликка кирганини эълон қилиб, чапакни ўзи бошлаб берди. Оркестр ишининг муваффақиятида чилдирмакаш Тўланнинг тутган ўрни ҳам муҳимлигини уқдирди ва туғилганига эллик йил тўлгани муносабати билан қуюқ сўзлар айтиб, қизғин табриклади. Кейин Тўланнинг қўлига бир қизил дафтарча тутқазиб қўйди.

Тўлан эса бу илиқ муносабатларни бўлажак юбилей олдидан эслатма ўрнида қабул этиб, хурсандлигини билдирди.

Кўчага чиқиб оқ, қизил дафтарчани очиб қараса, ичидаги қоғозга тўрт эллик хат ёзилган. Бу ҳам директор мажлисда айтган табрик сўзининг ўзи экан. Тўлан тарвузи қўлтиғидан тушган, нокаслик билан кутган ўлжасидан маҳрум бўлган одамдай, шалвайиб қолди...

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

### БОШҚОТИРМА

**Ёйлар бўйича:** 1. Пойтахтимиздаги спорт буюмлари ишлаб чиқарувчи корхона. 3. Абдулҳамид Чўлпон меросига мансуб оташин шеър. 6. Ҳимолай тоғларидан бошланиб Ҳиндистон ва Бангладеш ҳудудидан оқиб ўтувчи дарё. 7. Электр токининг қуввати бирлиги. 10. Вагоннинг алоҳида бўлмаси. 11. Маърифатли, билимдон инсон. 13. Қозоқ халқининг мумтоз шоири. 14. Қадимда дастлаб Чингизхон хонадони аъзоларига, кейинчалик шоҳлар хонадони аъзоларига тегишли ер- сув.

**Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида:** 2. Ватанимиздаги энг катта спорт иншооти. 4. Германиядаги маъмурий марказ ҳисобланувчи саноатлашган шаҳар. 5. Вақтинчалик, доимий бўлмаган нарса. 8. Тошкент шаҳри ҳудудида III-IV асрларда мавжуд бўлган шаҳар харобаси. 9. Махсус «жетон» ташлангандан сўнг абонент билан уланадиган телефон қурилмаси. 12.Клавиатурали қабул қилиш-узатиш телеграф аппарати. 15. IX асрда яшаб ўтган астроном олим, «Самовий ҳаракатлар ҳақида китоб» ёзиб қолдирган ватандошимиз. 16. Тошкентдаги Бўзсувдан бошланувчи қадимий канал.

**Шакл атрофида «занжир» ҳолида:** 17. Аҳолисининг сони жиҳатидан ватанимизда иккинчи ўринда турувчи шаҳар. 18. Саҳна асарлари ижодкори. 19. Давлат рамзи. 20. Тухум ва шакар қўшиб тайёрланадиган егулик. 21. Миллий либос. 22. Сунъий толадан тўқилган газлама. 23. Ёруғлик, зиё. 24. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. 25. Самода қизғиш рангда кўринувчи сайёра. 26. Италияда бўлиб ўтган қулларнинг йирик қўзғолони раҳбари. 27. Хиванинг Ичан қалъа мажмуидаги обида. 28. Тасвирий санъат асари. 29. Аждодлардан қолган бойлик.

### МУАММОНОМА:

**Очқич сўзлар.** 1. Форс-тожик мумтоз мутафаккир шоири — 1, 17, 10, 3, 4, 2, 9.
2. Яратувчилик фаолияти — 20, 11, 19, 7, 3, 13.
3. Дурбек достонидаги Зулайҳонинг севгилиси — 12, 14, 17, 18.
4. Дунё томони — 15, 3, 1, 16.
5. Ўсмирлар журнали — 8, 17, 6, 5, 3, 7.
6. Ғайри оддий ҳолат, жоду — 14, 11, 19, 1.

Очқич жавоблари асосида шакл атрофи ва марказидаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ҳал этинг. Улардан ҳикматли сўз ва унинг муаллифи бўлган мумтоз шоир исмини билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



**Газетанинг шу йил 24 октябрь сонида берилган «М» ҳарфли бошқотирманинг жавоблари:**

**Ёйлар бўйича:** 1. «Машъал». 2. Маром. 3. Монтаж. 4. Маблағ. 5. «Мадад». 6. Мактаб. 7. Машраб. 8. Малак. 9. Маржон. 10. Морган. 11. Манат. 12. Маузер. 13. Мерган. 14. Мазут. 15. Мухбир. 16. Миллат. 17. Масал. 18. Маршал. 19. Мерос. 20. Милан. 21. Моҳир. 22. Мовут. 23. Матал. 24. Мопед. 25. Менделеев. 26. Можайский. 28. Микроскоп. 29. Мувозанат. 30. Маймунжон.

**МУАММОНОМА**
**Очқич сўзлар: 1.** Ҳилол. 2. Ақл. 3. Кўл. 4. Тонг.
**Ҳикмат:** Ҳалоллик кўнгилга қанот.




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3871 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-807. Топширилди 12.30 1 3 4 5 6